# Qishloq HAYOTI

2003 YIL 31 IYUL, PAYSHANBA

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№96 (6.621). Sotuvda erkin narxda



## БУГУНГИ СОНДА

ҚОРИН ҒАМИДАГИ "ИШБИЛАРМОНЛАР" (2-саҳифада)



ЁРУҒ КУНЛАР ҚУВОНЧИ (3- саҳифада)

САНЪАТДАН БАХТ ТОПГАН АЁЛ (4-саҳифада)


## КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● Москвада "Варгиус" нашриётида профессор Л.И.Левитиннинг "Ўзбекистон: Каримов даври" китоби нашр этилди. Мазкур китоб муаллифнинг "Ўзбекистон: тарихий бурилиш палласида" китобининг иккинчи тўлдирилган ва қайта ишланган нашридир.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари билимдонлари ўртасида республика танлови эълон қилинди.

● Тошкент вилояти ҳокимлигининг «Ҳамдўстлик» аёллар клубида «Ўзбекистонда аёл ва бизнес» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон банклари Ассоциацияси ва «Ахбор-Рейтинг» банклараро рейтинг компанияси ҳамкорликда банклар ва банк тизими мавзуидаги энг яхши журналистик асар учун танлов эълон қилди.

● Пойтахтимизда «Соғлом ҳамжамиятлар» кичик грантлар уч йиллик дастурининг дастлабки босқичида муваффақият қозонган ўн уч нафар ғолибга сертификатлар топшириш маросими бўлиб ўтди.

● Тошкент вилоятида «Мафтункор ранглар жилоси» республика кўрик-танловининг якунловчи босқичи бошланди.

● Андижонда Муҳаммад Юсуф номидаги Андижон вилояти болалар кутубхонасида «Энг яхши китобсевар оила» деб аталган танловнинг финал босқичи бўлиб ўтди.

● Чиноздаги қаровсиз ётган истироҳат боғи «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ташаббуси билан ёшларнинг маданий марказига айлантирилди.

● Чирчиқ гарнизонига қарашли ҳарбий қисмда сафарбарлик чақируви резерви хизматига чақирилган ёш аскарларнинг қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

● «Она сайёрамизга тинчлик» республика танловида ғолиб чиққан беш нафар ўзбекистонлик ёш рассом Харьковга жўнаб кетди. Улар 1-10 август кунлари бўлиб ўтадиган халқаро мастер-классда иштирок этади.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг*

**ҚАРОРИ**

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясини чақириш тўғрисида

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилади:**

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси 2003 йил 29 август куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**
**Э.ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 29 июль

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмокда:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида.
2. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
3. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси тўғрисида.
4. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
5. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
6. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида.
7. «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
8. «Хусусий корхона тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
9. «Банк сири тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
10. «Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
11. «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
12. «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
13. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

* * *

**Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмокда.**



**2001 йилда ўз фаолиятини бошлаган Дўстлик туманидаги "Ал-Қобус" фермер хўжалиги жорий йилда 24 гектар майдонга ғалла экиб, ҳосилдорликни ўртача 55 центнерга етказди. Эндиликда фермер Жалил Кенжаев асосий эътиборини ғўза парваришига қаратган. СУРАТДА: Жалил Кенжаев.**

Б.АКРАМОВ олган сурат.

## "ҲАҚҚИМИЗНИ БЕРИНГ, КОПТОК ОЛАЙЛИК"

***Газетамизнинг шу йил 20 июн сонида ана шу сарлавҳа остида танқидий мақола эълон қилинган эди. Мақола юзасидан акционерлик-тижорат "Пахта Банк"нинг Самарқанд вилоят бошқармасидан А.Умрзоқов имзоси билан жавоб хати келди. Унда жумладан, шундай дейилади:***

**"ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ"ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР**

"Мақолада кўтарилган муаммоларни ҳал қилиш юзасидан "Пахта Банк"нинг Нарпай туман бўлимида сайёр йиғилиш ўтказилиб, бўлим бошқарувчиси вазифасини вақтинча бажариб келаётган бош ҳисобчи Н.Хушматов ва иқтисодий бўлим ходимларига "огоҳлантириш" эълон қилинди. Бўлимни малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш мақсадида "Пахта Банк"нинг вилоят бошқармаси пул муомаласи бўлими бошлиғи Обилов Феруз вақтинчалик бўлим бошқарувчиси лавозимига тайинланди. "Ғалаба" ширкат хўжалигидан ундирилмай қолган 125244 сўм пахта терими пуллари, Зирабулоқ пахта заводидан Бизнес-мактабга ҳисобланган 235,9 минг сўм жарима пули ва ишчи-хизматчиларнинг 220,0 минг сўмлик иш ҳақи тўлиқ тўлаб берилиб, 2003 йил 1 июл ҳолатига иш ҳақидан қарздорлик қолмади.

Келгусида юқоридаги каби камчиликларга йўл қўймаслик юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди".

## «СОХТА АБИТУРИЕНТЛАР» СИРИ ФОШ ЭТИЛДИ

***Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари республика олий ўқув юртларига ўқишга киришда катта пул эвазига ноқонуний тарзда ёрдам кўрсатиш билан шуғулланаётган бир гуруҳ шахсларнинг фаолиятига чек қўйди. Тадбир давомида 15 нафар киши қўлга олинди. Уларнинг аксарияти Тошкентдаги нуфузли олий ўқув юртларининг билимли талабалари экан.***

Жиноий режага кўра, гуруҳ ташкилотчилари томонидан ёлланган талабалар ота-оналари катта миқдорда пул тўлаган абитуриентларнинг ўрнига тест синовларидан ўтишлари лозим бўлган. Тошкент шаҳрида яшовчи Исмоил С. ва Давлатбек Р. гуруҳ ташкилотчилари бўлиб, улар ёлланган олий ўқув юртига ўқишга кирган ҳар бир абитуриент учун 2 минг АҚШ доллари ваъда қилган. Давлатбек Р. шаҳарнинг турли даҳаларида бир неча уйни ижарага олиб, у ерда сохта абитуриентларнинг имтиҳонларга муттасил тайёрланишини ташкил қилган. Исмоил С. эса уларнинг билим даражасини текшириш билан шуғулланган. Фирибгарлар тест синовларига кириш учун ташқи кўриниши абитуриентларга ўхшаш бўлган талабалардан фойдаланишни режалаштирган. Шунингдек, қонунга хилоф равишда паспортларга ўзгартиришлар киритиш ҳам кўзда тутилган.

Гуруҳ аъзоларини қўлга олиш пайтида 2003 йил учун тест топшириқларининг нусхалари ҳам топилиб, мусодара қилинди. Ушбу ҳолат бўйича МХХ тергов идоралари томонидан жиноий иш қўзғатилди.

**(ЎзА)**

## ЭЗГУЛИКНИ ЎЙЛАГАН НИЯТИГА ЕТАДИ

***Эртага биринчи август. Сен қатори барча абитуриентнинг юрагида ширин хавотир, кўзларида ўтли ҳаяжон. Қўлингда ҳадеб варақлайверганингдан униқиб кетган "Ахборотнома"ю, хаёлингда биргина ўй: "Ўқишга кираманми?"***

**ОҚ ЙЎЛ!**

Кирасан, дўст, кирасан! Фақатгина астойдил енг шимариб ўқишинг керак. Ҳамхонангнинг эртадан кечгача радио тинглаб, "культурний" ҳордиқ чиқараётганига унчалик ҳам аҳамият бериб ўтирма. Ундайлар бугун бўлмаса эртага аттанг қилишади. Нима, "танкам" бор, деб керилаптими? Нима қипти?! Ундан каттаси бўлмайдими? Ахир сенда мустаҳкам билим, ақл-фаросат бор. Булар билан ҳар қандай "танка"ни четга суриб ташлашинг мумкин.

Эртага бўладиган имтиҳонни бу мураккаб ҳаётнинг яна бир синови, деб қабул эт. Чунки сен ушбу синовда имкониятларингни чиғириқдан ўтказасан. Ишқилиб, мустақил ташлаётган биринчи қадаминг хайрли бўлсин.

Биласанми, ўз олдига бирор бир аниқ мақсадни қўйган киши қаттиқ ихлос қилса, йўлида учраган ҳар қандай тоғни ҳам ўпириб ташлайди.

(Давоми 2-бетда)

## ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

***-Юртбошимизнинг қадами қутлуғ келди, - дейди Асака туманидаги "Шарқ ҳақиқати" ширкат хўжалигининг бош пудратчиси Маҳмуджон Қорабоев ифтихор билан, - 16 июн куни ғўзаларимизда гул кўрган эдик. 27 июл куни эса пахтамиз очилди!***



**ХУШХАБАР**

Жорий йилнинг 22 майида Президентимиз водий сафари чоғида мазкур хўжалик далаларида ҳам бўлган эдилар. Деҳқон билан далада юзма-юз ўтказилган мулоқот чоғида ғўза парваришининг боришига алоҳида урғу берган эди. Дарҳақиқат, бу йилги деҳқончилик бошиданоқ оғир кечди. Тинимсиз ёғин-сочинли кунлар деҳқонни шошириб қўйди. Қайта-қайта чигит экишга тўғри келди. Айни Юртбошимиз қадами етган дала ҳам бундан истисно эмас, албатта.

Мулоқот чоғида Юртбошимиз деҳқонлардан ғўза ривожидаги кечикиш фарқи ҳақида сўрагани ёдимизда. Ўшанда Асака тумани ҳокими Тиловолди Ёқубов ўз жавобида бу борадаги фарқ 18-20 кун атрофида, деган эди. Деҳқон ва механизатор ҳанузгача ҳар туп ғўзаси атрофида парвона: Ишлов ва суғориш бир-бирига боғлаб ўтказиляпти. Зараркунандаларга қарши курашда ҳам тиним йўқдек. Ана шундай ҳаракат билан деҳқон ғўзаси ривожини тезлаштиряпти ҳам. Шу ўринда 2 та қиёсни келтирсак. Андижонда дастлабки плёнка остига ғўза парвариш қилинган 1995 йилда пахта 27 июл куни очилган эди. 2002 йилда эса худди шундай ҳолат 20 июл куни қайд этилган. Жорий йилда эса бу муддат 27 июлга тўғри келди. Шу кўрсаткичларнинг ўзи деҳқон меҳнатининг қадрини айтиб турибди.

Олинган маълумотларга қараганда, 106275 гектар майдондаги ғўза ҳосил туплаш жараёнида. Олди майдонлардаги ғўзаларнинг ҳар тупида 9-10 тадан бўлиқ кўсак, кўплаб ҳосил тугунчалари бор.

Андижонда биринчи бўлиб ғўзаси пахта кўрсатган бош пудратчи Маҳмуджон Қорабоев: "Дастлабки пахта очилдими, бундан буёнгисини асло ҳисобини олиб бўлмайди. Чунки деҳқоннинг даласини ҳеч ким унинг ўзичалик яхши билмайди", деган гапни айтиб қолди. Дарҳақиқат, шундай. Ҳадемай Андижоннинг бошқа далаларида ҳам оппоқ, лўппи пахталар бодраб очила бошлайди.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

## ЭЛ РИЗҚИНИ ҚИЙМАНГ!

***"Қишлоқ ҳаёти" газетасининг шу йил 17 июл сонида эълон қилинган "Ерга хиёнат қилманг!" мақоласи айни деҳқон дилини ўртаб, кўпчиликни ўйлантириб турган мавзуда ёзилган.***

**АКС-САДО**

Ерни бежиз "она ер", деб эъзозлаб, волидага қиёсламайдилар. У барчани боқади, қорнини тўйдириб, кийинтиради.

Ернинг тили йўқ.

Уни сотсалар ҳам, талон-торож этсалар ҳам, сувдан, ўғитдан қисиб қийнасалар ҳам "миқ" этмайди.

Қинғир ўтириб, тўғри сўзла, дейдилар.

Қишлоқда ер сотилади.

Ҳар йили "инсофли" раҳбар 5-10 гектар, инсофсизи 30-40 гектар ерни дангал сотади. Унинг сувга яқинлиги, орикбўлиқлигига қараб, баҳоси бор: гектари 300 минг сўмдан то 500-600 минг сўмгача.

Баъзи раҳбарларнинг ҳатто доимий синашта мижозлари ҳам бор. Ана шу мижоз билан эрта баҳорда яхши бир жойда учрашиб, ишни пишитадилар. Оқибатда ҳақиқий деҳқон қолиб, ер гектарчининг қўлига ўтади-кетади.

(Давоми 2-бетда)

**ДАВР**

## АСЛ НАВ БУХОРОДАМИ?

***"Бухоро-6" ғўза нави республикамизда ҳосилдорлиги юқори ғўза навларидан бири ҳисобланади. Бухоро вилояти пахта майдонларининг 92 фоизини шу навли ғўза эгаллаган.***

Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларини қўшиб ҳисоблаганда бу йил 300 минг гектарга яқин ерда "Бухоро-6" навли пахта етиштириляпти. Амалда у мамлакатимизда энг кўп экилаётган ғўза навига айланди.

-Пахта уруғчилиги билан 18 йилдан буён шуғулланиб келаман, - дейди Қоракўл туманидаги "Сайёт" ғўза элита лабораторияси мудири Жуманиёз Давронов. – Бизга элита уруғчилиги учун 70 гектар ер ажратилган. Хулоса шуки, "Бухоро-6" нави вильтга чидамли, ҳосилдорлиги юқори. Масалан, биздан бир гектар ерга сийракроқ, яъни 56 минг туп кўчат қолдириш талаб қилинади. Шунга қарамай бултур ўртача 41 центнердан ҳосил олишга эришдик.

(Давоми 2-бетда)

## МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

***"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва "Таълим тўғрисида"ги қонуннинг бажарилишини таъминлаш борасида мамлакатимизда катта ишлар амалга оширилмоқда.***

**ФИКР**

Республикамиз ҳукумати томонидан ўрта махсус касб-ҳунар таълими соҳасига алоҳида эътибор қаратилиб, биринчи навбатда зарур бўлган касб эгаларини тайёрлаш мақсадида тегишли йўналишлар бўйича касб-ҳунар коллежлари барпо этилмокда. Аввалдан фаолият юритаётган ва янгидан ташкил этилаётган коллежларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқитишнинг замонавий технологияларини жорий этиш, уларни ҳозирги кун талабларига жавоб берувчи дарсликлар, ўқув қўлланмалар, методик ишланмалар билан таъминлаш, ўқитувчилар малакасини ошириш каби масалаларга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Республика ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг саъй-ҳаракатлари туфайли бир қатор дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар нашр этилди.

(Давоми 4-бетда)

**САНЪАТ**

## "ЧОВДИР МАСХАРАБОЗ"

***Ўз даврида Қорақалпоғистону Хоразм ва Тошҳовуздаги тўйларни гуллатиб ўтган Човдир масхарабоз ўзидан ўчмас из қолдириб кетди,десак, муболаға бўлмайди. Унинг ишларини ҳозирда қизи давом эттирмоқда.***

-Отам раҳматлик ўғлим йўқ, касбимни давом эттирадиган ворисим йўқ, дея армон билан кўз юмган эканлар, - дейди Жумагул Юнусова.

Гарчи у, ота изидан бориб, ўқувчилик давридаёқ қўшиқлар ижро қилган, 7-синфдалигидан Манғитдаги "Учқун" ашула ва рақс дастасига қатнашиб юрган бўлса-да, бир кун келиб отасининг ишини давом қилдириш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаганди.

Зеро, ўтган асрнинг 70-йилларида кўпнинг ичида қўшиқ куйлаб, рақс тушадиган қизларга бошқача кўз билан қаровчилар кўп эди. Бироқ Жумагулга ота санъати қон билан кирганди. У иккиланмай ана шу йўлни танлади.

(Давоми 4-бетда)

## НИГОҲЛАРГА ЯШИРИНГАН АРМОН

***80-йиллар боши эди. Сирдарёлик Эрпўлат отанинг Худодан тилаб-тилаб олган ўғли Турсун мактабни битириб, пойтахтга отланди.***

**ТУРМУШ**

-Ёлғиз ўғлим академик бўлади, мана, ҳали кўрасизлар, - дерди Эрпўлат ота тўй-ҳашамларда кўкрак кериб.

Бироқ Турсун ўқишдан "йиқилди". Ўта саводли, билимли, тиришқоқ йигитнинг талаба бўлолмаслигига биров ишонди, биров ҳайратланди. Турсун армияга кетаман, деб туриб олди. Онаизор "Жўнатмайман!" дер, Эрпўлат ота эса "Йигит, деган шундай мард бўлади. Армия кўрсин, қийинчиликларга ўрганади", дея Турсунни қўллаб-қувватлади.

Турсун ҳарбий хизматга узоқ Сибирга жўнаб кетди. Отаси ҳам, онаси ҳам бир-бирига сездирмай эшик "тиқ" этса қарайди.

(Давоми 4-бетда)

**ҲИКМАТ**

*Бошқаларнинг камчилигини ипидан-игнасигача кўриб ўзиникига эътибор бермаслик юзсизликдир.*

ДЕМОКРИТ


**"ҒАЛЛАБАНК" –**
***ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН***



**КЕЛГУСИ СОНДА:**

ТАДБИРКОРГА ОЗОР БЕРМАНГ

ЖИНОЯТЧИ КИМ?

СПОРТ-МИЛЛАТ ИФТИХОРИ




## “ЎЗИМИЗГА ЎХШАРКАН…”

***-Қишлоғимизда Содиқ бобо деган соддагина отахон яшарди, - дея ҳангома қилиб берди Мирзақул бобо яхна чойдан симираркан. – Хўб ажойиб одам эди-да, худо раҳмат қилгур. Бўйдан ҳам, эндан ҳам берган эди унга. Овозининг йўғонлигини айтмайсизми, йўталса акс-садоси тоғ томондан эшитиларди…***

Биринчи жаҳон уруши бошланган кезларда Содиқ бобо ўн беш-ўн олти яшар ўспирин бўлган экан. Ўша пайтлар одамлар “гирмон” деса оёғи олтита, қўли еттита бўлган тўрт кўзли маҳлуқни тасаввур қилишаркан. Уруш тугагач, эл орасида “маҳлуқнинг оёқ-қўлларини синдириб, кўзларини ўйволишибди, олов пуркамасин, деб оғзи-бурнига латта тиқиб қўйишибди”, деган миш-миш тарқалади.

Орадан йигирма йиллар ўтар-ўтмас, иккинчи жаҳон уруши бошланади. Қирқинчи йилларнинг бошларида Содиқ бобомизни ҳам урушга олишибди. Жанг қизиётганмиш-у, Содиқ бобо ҳар томонга аланг-жаланг қилиб “гирмон” деган маҳлуқни қидирармиш… Урушга кетганининг бешинчи ойларидамикин, у уйидагиларга “Одамлар гирмонни тўрт кўзли маҳлуқ дейишганди… Бу занғарлар ҳам ўзимизга ўхшаган экан-у…” деб хат ёзган дейишади.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ**

## ОШИҚ “АКРОБАТ”

***Бир дўстим бор. Яхши бола. Ақлли, тўғрисўз, содда…***

Талабаликда квартирада бирга яшаймиз. Иккита уй нарида, қўшни квартирада қизлар туришади. Улар билан танишганмиз. Ҳаммамиз мусофир. Бир-биримиздан ҳол-аҳвол сўраб, борди-келди қилиб турамиз. Ўша борди-келдилар сабабми ё ёшликми, билмадим-у дўстим қизлардан бирини яхши кўриб қолди. Ана энди ҳангома бошланди. Мурод ўқишдан келади-ю, қўшни квартирага югуради. Бироздан сўнг қўлтиғидан тарвузи тушиб қайтади. “Ҳа, нима бўлди, ошна?” “Э, қиз кўнмаяпти”.

Бир куни жаҳл билан чиқиб кетди-да, юзлари тилинган, қўллари шилинган, оёғини оқсаб қайтиб келди. Келди-ю, ҳеч нима гапирмай, жароҳатланган жойларига дори суркаб ётиб олди. Эртасига қизлардан сўрасам, дўстингиз акробат экан, дейишиб, ҳаммаси қиқир-қиқир кулишди. Кейин билсам, дўстим севгисини исботламоқчи бўлиб, дарахтдан қулаган экан.

**Ёрмамат ЭГАМБЕРДИЕВ**

## “МЕНИ ТАЁҒИМ БОҚАДИ”

***Турсунқулга подачилик таёғи раҳматли отаси Ботирқулдан ўтган. Ота мерос касби.***

У шу таёқни муқаддас деб билади. Шунинг орқасидан олти нафар фарзандини уйли-жойли қилди. Олтмишдан ошган, икки фарзанди ёнида туриб халқнинг хизматини қилаётган бўлсаям, ҳали-вери "истеъфо"га чиқиш нияти йўқ. Қадди чинордай, гурсиллаб қадам ташлайди.

Чол қишин-ёзин пода боқса-да, иложи борича маҳалладаги тўй-маъракадан қолмайди.

Бугун ҳам шундай бўлди. Подани ўғилларига топширдида, Салим сартарошнинг тўйига келди. Тўйхона гавжум эди. Таёғини кираверишдаги йўлакда қолдирмоқчи бўлди-ю, яна кўзи қиймади. Бола-бақра илиб кетиши мумкин. Ичкари кириб тўй эгасига “тўй морак” қилди. Чўнтак ковлаб “қўл учини” ҳам қистирди. Энди ўтириб ҳам эдики, рўпарасидаги икки шапкали йигитларга кўзи тушди.

-Ҳалиям қишлоқилигингиз қолмабди-да, Турсунқул ота. Таёғингизни шу ерга ҳам кўтариб келибсиз. Нима, уни биров ўғирлаб кетармиди? Бор-йўғи подачининг таёғи бўлса, - деди семизроғи. Йигитлар гуриллаб кулиб юборишди.

-Сардорбек, менинг таёғимнинг сенинг ола таёғингдан ўлса ўлиги ортиқки, кам эмас, - деди Турсунқул ота йигитнинг касбига шама қилиб. – Таёғим мени илгари ҳам боқиб келган, бундан кейин ҳам боқади. Чунки халқнинг хизматини қиламан. Сеники халқни шилади. Таёғингни кўтаришинг билан шопир халқи сени сўкишга тушади. Энди шопирлар қолиб, эшак аравани ҳам тўхтатадиган бўлганмишсан. Нима, шунча оч қолдингми?

-Уф, бобой боплади, - деди Сардор. Анча жаҳли чиққан бўлса ҳам, ҳазилга олди. Лавлагидек қизариб кетди.

Беписандлик билан ўзга инсонни мазах қилмоқчи бўлиб ўзларига ортиқча гап сотиб олган йигитлар "омин", дея даврани тарк этишди.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ**

## “СЎТАЕВНИНГ ҚИШЛОҒИГА!..”

***Усмон ака деҳқон одам. Лекин гапни нишонга уради. Олдида кўплар эҳтиёт бўлиб туради. Бандихонга келганларнинг кўпи Усмон аканинг лақаб қўйишидан қочиб қутулолмаган. Катта йиғилиш, минбарга лапанглаб, кўриниши тўнкадай бошлиқ чиқиб келди. Усмон ака ёнидагига шивирлади:***

-Бу Айиқ ака асли қаерлик?..

Шу-шу уни сиртдан уч-тўрт киши "Айиқ ака", дейдиган бўлишди. "Айиқ ака" сўзи хўжаликка тарқалди. Икки ойда туманга етди. Катта раҳбардан “Айиқ ака” лақабини ҳеч ким олиб ташлай олмади. Ҳатто ўша бошлиқ бошқа туманга ишга кетди. Лақаб ҳам у билан бирга борди. Усмон ака бечора раҳбарнинг лақаб орттириб кетганидан роса яйради.

Охири қизиқ бўлди. Усмон аканинг ўзига кимдир Сўтаев деб лақаб қўйди. Бу антиқа фамилияни ўзиям эшитди. Хафа бўлиб кетди. Нима қилиш керак?! Қандай қутулади?! Чиройли исми бор - Усмон ака деган! Аммо катта-ю кичик Сўтаев, дейди. Қўй сўйди, бўлмади. Жим юрди, одамлар барибир айтаверди.

Бир куни Сўтаев “ичидан” хурсанд бўлди. Қараса, ҳеч ким лақабини айтмаяпти. Одамлар келишиб олгандай оддий қилиб гапиришади. Ўзига шундай туюлаяптими ё ростдан ҳам Сўтаев дейишмаяптими? Қулоқ солиб юрди, юрди. Икки ой… уч ой… “Йўли бор экан-да” ўйлади кўнглида.

Бойсундан “Жигули”сида келаётганди. Ёнида ўғли, ўрта ёшли, иссиқдан куйган бир киши қўл кўтарди. Усмон ака машинасини тўхтатди.

-Қаёққа борасиз, ука? - деди у.

-Сўтаевнинг қишлоғига.

-Қаёққа?! – асабийлашиб сўради.

Йўловчи ҳайдовчи эшитмади, деб бақириб гапирди:

-Сўтайибдинг қишлоғига… Бандихондаги Сўтаев бор-ку!!!

-Қоч-ей, ёп эшикни!

Ўғли жим, ўзи жим. Билдики, Сўтаев лақаби ҳамон ўзи билан бирга экан.

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ**

# ЭЛ РИЗҚИНИ ҚИЙМАНГ!

(Боши 1-бетда)

Ерни топташ, давлатнинг, жамоанинг ризқини қийиб, кўзини бўяш мана шундан бошланади. Шу кундан ширкат хўжалигининг барча “каналлари”да ўғирликка, хиёнатга йўл очилади.

Дейлик, бир хўжаликда 10 гектар ер сотилиб, бу ерга режадан ташқари пиёз, шоли, ерёнғоқ, қовун-тарвуз каби пул бўладиган экинлар экилди. Бу экинларнинг сувсиз, техникасиз, ёнилғию ўғитсиз унмаслиги аниқ. Очиқ-ошкор гектарчи тракторчининг йўлини пойлаб, чўнтагига пул тиқади. Йўлини топиб хўжаликка тегишли тракторни ишлатади, омборчининг томоғини мойлаб, ўғит олади, миробнинг уёқ-буёғидан ўтиб, сувни даласига буради. Қараб турибсизки, пахтага, ғаллага ишлатиладиган сув, ўғит, ёнилғи, техниканинг бир қисми четга кетади. Натижада ғўза бир ёки икки бор трактор ишловидан, ўғитдан қолади. Сувни тўйиб ичмайди. Ва… табиийки, кузга келиб ҳосил ҳам шунга яраша бўлади. Режа бажарилмай қолгани боис деҳқоннинг қозони сувга тушади.

Ерни пуллаб, йигирма-ўттиз гектарчидан “капсон” олиб, чўнтаги ҳам, қорни ҳам бирдек қаппайган айрим "раис бува"лар кеч кузда бошидаги "норка" телпагини тепага сурган қўйи пешонасини уқалаб, ёғли лабларини пирпиратиб марказдан борган мухбирга “интервью” беришади.

“-Бу йил табиат жуда инжиқ келди. Бунинг устига сув, ўғит етишмади. Шундай бўлса-да, азамат деҳқонларимиз фидокорона меҳнат қилиб…"

Сўнгги йилларда кўплаб ерлар фермерларга бўлиб берилди. Ҳеч шубҳасиз, ўзига қарашли ерга тер тўкиб, режадаги экинни экиб, ҳалолу поклик билан ўзини ҳам, қўл остидагиларни ҳам бойитаётган, шартнома режаларини-да қойиллатаётган фермерлар жуда кўп. Буни тан олиш керак, табриклаш керак. Айни пайтда, не йўллар билан катта майдонни эгаллаб, ерни истаганча сотиб, қўлини совуқ сувга урмай бойвачча бўлиб юрган фермерлар ҳам йўқ эмас. Бундайлар қаловини топади. Туман раҳбари, назоратчилар ва банкирлар билан “тиллашиб”, “соз” бўлиб олади. Тамом-вассалом. Бугун шу тариқа давлатнинг фермерликни ривожлантириш ҳақидаги қарорини қалқон қилиб олиб, кўнглига келганини бажариб, туманда ёки вилоятда бамисоли баликдек сузиб юрган "бойваччалар" пайдо бўлаётгани ҳам сир эмас.

Савол туғилади. Шундай ҳолат рўй бераётган экан, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари раҳбар-мутахассислари, ер тузиш инспекциялари ва… назорат органлари қаёққа қараяпти? Нега улар бу ҳолатга томошабин бўлиб туришибди?

Жавоб эса оддий. Ҳамманинг ҳам нафси, тешик томоғи бор.

Бугун ерни режалаштиришда ҳам талай муаммолар борлиги сир эмас. Дейлик, туманларда шундай ерлар ҳам борки, ундай ерлар ўта шўрхок, захкаш бўлиб, ҳар қанча меҳнат қилинмасин, пахтадан, ғалладан харажатларни қоплайдиган даражада ҳосил олиш қийин. Лекин “юқоридан” бундай ерларга “бўладимибўлмайдими, пахта экишинг шарт”, деган кўрсатмалар берилаётгани ҳам рост. Бу ҳолдан эса хўжаликлар катта иқтисодий зарар кўраётгани ҳам бор гап.

Бундан уч-тўрт йил муқаддам худди водийда “ёппасига шоли экилмасин”, деган буйруқ бўлди. Оқибат ўша йилнинг ўзида гуручнинг таннархи минг, ҳатто бир ярим минг сўмга чиқиб кетди.

Демоқчимизки, ерни режалаштиришда унинг табиий шароитини, қайси экин битиш-битмаслигини, албатта эътиборга олиш керак.

Ахир, ерга пахта экиб ҳам мўмай даромад олиш мумкин. Бу, балки ҳисобот қоғозларида шундоқдир. Лекин бир қатор хўжаликларда деҳқоннинг ойлаб-йиллаб қўли пул кўрмаётгани, косаси оқармаётгани ҳам айни ҳақиқат. Шунинг учун ҳам айрим жойларда пахта режалаштирилган ерларга бошқа, пул бўладиган экинлар экишга ҳаракат қилишяпти. Бунинг оқибатида, пахтага қуйиладиган сув, ўғит, техника харажатлари ана шундай режасиз экинларга хоҳласак-хоҳламасак ишлатилиб, бирники мингга, мингники туманга деганларидек, пахта ҳосилдорлиги пастлаб, кутилган натижага эришилмаяпти.

Хўш, нима қилмоқ керак?

Оддий ер эгасидан тортиб раисгача, раисдан тортиб, туман миқёсидаги раҳбарларгача ерни авайлаб эъзозлаш, ҳалоллик, поклик йўлидан бормас экан, бир кун келиб ернинг қарғиши уриши турган гап.

**Ортиқали НОМОЗОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

# ЭЗГУЛИКНИ ЎЙЛАГАН НИЯТИГА ЕТАДИ

(Боши 1-бетда)

Шундай экан, яхшилаб ўқи. Кундузни кундуз, тунни тун демай, кунт билан ўқийвер. Вақти келиб, ана шу ҳаракатларинг мевасини ўзинг татийсан, бошқалар ҳам баҳраманд бўлишади.

Симёғочларга, дарахтларга осиб қўйилган “Внимание, шпаргалки” деб бошланувчи эълонларга сираям парво қилма. Ўқишга киритиб қўяман, у қиламан-бу қиламан, дея кўксига муштловчиларни-ку яқинингга ҳам йўлатма. Ундайлар адолат мезони бўлган тест синовларини аллақачон даромад манбаи қилиб олишга улгуришган: пулларингни куртдай санаб олишади-ю, ўқишга кирасанми ё йўқми, бу билан сариқ чақалик ишлари бўлмайди. Қайсидир шеригинг иштонининг липпасига яширилган “шпаргалка”сига, яна кимдир имтиҳон ўтказиладиган аудиториядаги “суфлёр”га, бошқаси отасининг жарақ-жарақ пулларига ишонаётгандир. Сен ундай қилма. Ўзингга, билимингга ишон. Ахир сени-ю мени бирдек ардоқлайдиган, ўз фарзандидек кўрадиган муҳтарам Юртбошимиз ҳам бекордан-бекорга: “Куч – билим ва тафаккурда”, деб айтмаган-ку!

Қадрдон дўст, сенга яна икки оғиз маслаҳат: истасанг қабул қил, истамасанг йўқ. Айтмоқчи бўлганим – имтиҳонга кириш олдидан ортиқча ҳаяжонни, турли олди-қочди гапларни ўзингдан соқит қил. Авваллари дўсту дугоналарингга қўшилиб борган тўй-ҳашамлар, гапгаштакларни-да бутунлай унут. Имтиҳон маҳали юз бериши мумкин бўлган жузъий камчиликлар, баъзи найранг ва кўзбўямачиликларга эътибор берма. Бу ёғи тегишли идоралар ходимларига тан. Хуллас, асосий мақсаддан чалғима. Зеро, эзгуликни ўйлаган ниятига етади. Биз эса – ота-онанг, ака-укаларинг, қариндош-уруғларинг, муаллиминг сенга омад тилаймиз. Илойим, омад қуши елкангга ўрнашиброқ ўтирган бўлсин.

**Давлатжон ПОЛВОНОВ**

САМАРҚАНД ТОМОНЛАРДА

## УРГУТ ГИЛАМЛАРИ

***Ургут туманида миллий ҳунармандчилик анъаналари, айниқса гиламдўзлик авлоддан-авлодга ўтиб, бугунги кунда ҳам муносиб эъзоз топиб келмоқда.***

"SAM-NEGIN" Ўзбекистон-Эрон қўшма корхонасининг фаолият бошлаганлиги ҳунармандлар учун янги имкониятларни яратди. Қўшма корхонада турли ўлчам ва дизайндаги гиламлар ҳамда пояндозлар ишлаб чиқарилади. Корхона энг замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган. Айни пайтда корхона харидорларнинг дастлабки буюртмаларини қабул қила бошлади.

## ХАРИДОРЛАР ЭЪТИБОРИДА

***Регистон майдонидаги “Самарқанд универмаги” дўконида Ўзбекистон корхоналарида ишлаб чиқарилган турли хилдаги халқ истеъмоли молларининг доимий савдо ярмаркаси ташкил этилди.***

“Самарқанд универсал база" ташкилоти томонидан ташкил этилган мазкур савдо ярмаркасида “Ўзбекчарм”, “Ўзбек ипаги", “Ўзбекенгилсаноат”, “Файз-Холдинг”, “Ўзбек қоғози", каби компания ҳамда концернлар, “8-Март”, “Нафис”, “Бофанда”, “Малика”, “Хива-Карпет”, “Каштекс" каби бир қатор корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар улгуржи ва чакана нархларда сотилмоқда.

**Наманганда бунёд этилаётган “Ёшлар спорт мажмуи”даги иншоотлар қурилиши бирин-кетин ниҳоясига етмоқда.**

**Бу ишда “Наманган ободончилиги” ҳиссадорлик жамияти раҳбарлигидаги йўлсозлар ва Наманган магистрал электр тармоқлари корхонаси жамоаси жонбозлик кўрсатмоқда. Шунингдек, қурилиш бошлангандан буён 10-Наманган қурилиш-монтаж бошқармаси масъулияти чекланган жамиятнинг 126 кишилик қурувчилари талайгина бунёдкорлик юмушларини амалга оширдилар.**

**СУРАТЛАРДА: 1. 10-Наманган қурилиш-монтаж бошқармаси масъулияти чекланган жамият ишчилари. 2. “Ёшлар спорт мажмуи”нинг умумий кўриниши.**

**Х.МАМАДАЛИЕВ олган суратлар.**

## Чирой очаётган иншоотлар





## АСКАРЛАР ҚАСАМЁДИ

***Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик чақируви резерви хизматини ташкил этиш мақсадида 2002 йил 22 февралда Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган эди.***

Мазкур қарорга кўра муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ва чақирилиш муддатини кечиктириш ҳамда чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ армия хизматига чақирилмай қолган шахслар бу хизмат сафига олиниши белгиланган.

Куни-кеча Сурхондарё вилоятида бир ойлик сафарбарлик ўқув йиғинини ўтаган хизматчиларнинг тантанали қасамёд қабул қилиш маросимига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.Унда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматчилар ҳарбий қасамёд қилдилар. Шундан сўнг уларга тантанали равишда ҳарбий гувоҳномалар топширилди.

**“Туркистон-пресс”**

# АСЛ НАВ БУХОРОДАМИ?

(Боши 1-бетда)

-Баъзан “Бухоро-6” нави кечроқ пишиб етилади, деган гап-сўзларни эшитамиз, - сўраймиз Ромитан туманидаги “Қалайчорбоғ” элита-уруғчилик лабораторияси мудири Шариф Бозоровдан.

-Фикримча, бу қандай ишлашга боғлиқ, - дейди у. – Айтайлик, икки бор кетма-кет суғорилса, ғўза ҳосили кечикади. Шунинг учун ҳам ғўза парвариши бўйича берилган тавсияларга тўлиқ амал қилиш лозим.

Бухорода сифатли уруғлик чигит етиштириш ишлари билан олтита элита уруғчилиги лабораторияси шуғулланади.

Ғўза гулларини сунъий чанглатиш нав муаллифи Аухат Батталов тавсиясига кўра Бухорода бажарилмоқда.

Сунъий чанглатишнинг ўзига хос нозик жиҳатлари кўп. Масалан, бир гектар ерда 55 минг туп ғўза бўлса, ҳар тупда лоақал биттадан гул очилганда ҳам уни бирма-бир чатиштиришга жуда кўп вақт сарфланади. Қолаверса, селекция талабига мувофиқ, чатиштириш куннинг энг иссиқ палласида ўтказилиши керак. Афсуски, масаланинг шу жиҳатлари лаборатория ишчиларига маош тайинлашда ҳисобга олинмаяпти.

-Уруғчиликда янгича муносабатлар жорий этилиши лозим, - дейди “Бухоро пахтачилиги” масъулияти чекланган жамият раиси Аухат Батталов. – Аввало, районлаштирилган ғўза навларининг элита ва биринчи репродукция уруғларини етиштиришга оид қўлланма эскирди. Ҳали-ҳануз элита уруғи етиштириш усули 1981 йилда тасдиқланган қўлланмага асосан амалга оширилмоқда.

Уруғлик таннархини камайтириш, уруғликни кўпайтириш коэффициентини ошириш, захирадаги уруғликни меъёрий шароитда сақлашни таъминлаш каби масалалар янги қўлланмадан ўрин олиши шарт.

Айтиш жоизки, “Бухоро-6” нави А.Батталов ташаббуси билан 24 йиллик меҳнат эвазига яратилди. Муаллиф аслида Пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг дастури бўйича ингичка толали навлар яратиш устида ишлаётган эди. Узоқ йиллик изланишлардан сўнг ЎзПИТИнинг Бухоро филиали шароитида узун толали “Бухоро-7" нави яратилди. 1989 йилда у Давлат нав синовига тақдим этилди.

-“Бухоро-7" нави ўртапишар, бутаси шохламайди, - дейди А.Батталов. – Ҳосил бандлари асосий поядан чиқади, бўйи 100-130 сантиметр атрофида. Пахтаси осон териладиди. Толаси оқиш, республикада экилаётган навлар орасида энг майини ҳисобланади. Чигити осон ажралади.

Мазкур нав бултур Қашқадарё вилоятининг Касби туманида 463 гектар ерга экилиб, ундан ўртача 36 центнердан ҳосил олинди. Нав жорий йилда ҳам шу хўжаликда кўпайтирилмоқда.

Яна бир янгилик. "Бухоро пахтачилиги" масъулияти чекланган жамият томонидан ўрта толали ғўзанинг “Бухоро-8" нави ҳам яратилди. У ўтган йилдан бошлаб Давлат нав синовига топширилди. Мўътадил муддатларда экилса мазкур нав 120 кунда етилади.

Маълумки, пахтанинг барча қисмларида, жумладан чигит мағзида ҳам табиий, кучли заҳар ҳисобланган госсипол моддаси бор. Уни чигитдан ажратиб олиш анча мураккаб. Шу боис маҳсулот таннархи қимматлашади, қолаверса, чорвачилик ҳам госсиполли озуқадан зиён кўраяпти.

А.Батталов анча йиллардан буён рақобатбардош госсиполсиз нав яратиш устида иш олиб бормоқда. Янги нав ҳозир тажриба майдонларида синовдан ўтмоқда. Агар бу нав синовдан яхши ўтиб, катта майдонларга экилса, қайта ишловчилар “госсипол” ташвишидан қутулишади. Бундан ташқари шрот ўрнига сифатли оқсил уни олиш имкони ҳам туғилади. Ундан олинадиган ёғ эса экологик жиҳатдан тоза бўлади.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

# ҚАЛЛОБЛИКНИНГ УМРИ ҚИСҚА

***Эркин бозор иқтисодиётига асосланган демократик жамият қуриш йўлидаги дастлабки йиллар таҳлили ва ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ишлаб чиқаришни тўғри йўлга қўйиш ҳамда бевосита солиқ қонунчилигига оғишмай риоя этиш натижасида бюджет интизоми таъминланади ва ундаги тақчилликка барҳам берилади.***

Бироқ, иқтисодий эркинликни хаспўшлаб, аслида бу борада қонунчилик талабларини очиқдан-очиқ менсимаслик, қасддан бажармаслик, уларни четлаб ўтиш сингари ҳуқуқбузарликлар ҳам содир этилаётгани таассуфланарлидир.

Фарғона вилояти давлат солиқ бошқармаси ва унинг қуйи тизими ходимлари томонидан олиб борилган назорат ишлари натижасида қонунбузарликлар аниқланди. Фактларга мурожаат этсак.

-2002 йил давомида Фарғона вилоятида яширин тарзда 147 та ишлаб чиқариш цехлари фаолият юритаётганлиги маълум бўлди, -дейди Фарғона вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Сайфиддин Низомов. - Текширув чоғида бу объектлардан жами 59 миллион 830,8 минг сўмлик тайёр маҳсулот ва ёрдамчи хомашё материаллари далилий ашё сифатида олинди. Шуниси эътиборлики, бу яширин цехларнинг 10 тасида спиртли ичимликлар, 12 тасида ўсимлик ёғи, 78 тасида озиқ-овқат маҳсулотлари, қолган 47 тасида эса ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келинган.

Масалан, Ёзёвон туманида яшовчи, фуқаро Н.Умаралиев ҳеч қандай ҳужжатларсиз, яширин равишда музқаймоқ ишлаб чиқараётганлиги, Ўзбекистон туманида истиқомат қилувчи Я.Эшонқулов ўз уйида қўлбола усулда спиртли ичимликлар тайёрлаётганлиги мутасадди ходимларнинг синчков текшируви натижасида аниқланди. Хўш, қўштирноқ ичидаги бу хилдаги “тадбиркор”ликни қандай изоҳлаш мумкин? Қолаверса, бу шоввоз-тадбиркорлар цехларида ишлаб чиқараётган озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмолга яроқли эканлигига ким кафолат бера олади? Ёки уни истеъмол қилган инсоннинг соғлиғига путур етмаслигига-чи?

Ачинарлиси, бу “ишбилармонлар”нинг ҳамтовоқлари вилоятнинг деярли барча туманларида топилади. Шу боис ҳарчанд назорат кучайтирилмасин, бундай кирдикорликнинг илдизига болта уриш бироз қийин кечаяпти.

ТААССУФ

Сайфиддин Низомовнинг айтишича, жорий йилнинг биринчи чорагида ўтказилган текширувда яна 24 та яширин ишлаб чиқариш цехлари аниқланди. Улардан 8 миллион 320,1 минг сўм миқдордаги маҳсулот ва ёрдамчи хомашёлар олиниб, давлат фойдасига мусодара қилинди.

Вилоятда иқтисодий соҳада юз бераётган янгиланишларга акс ўлароқ айрим “қорин ғами”да бузоқнинг югургани сомонхонагача эканлигига ишонмай, балки буни тан олмай ноқонуний ҳаракатлар содир этаётганлар юқоридаги ҳолатлар билан чекланиб қолишгани йўқ экан.

Гап миллионлаб сўмни ташкил этган даромадларни яшириш орқали давлат хазинасидан жуда катта маблағларни ўмариб қолаётган жиноятчилар хусусида кетмоқда. Маълумки, нақд пулнинг банкда айланиши мамлакатимиз макро ва микроиқтисодий барқарорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу боис мамлакат ғазнасидан чиққан пул массаси маълум вақт қонуний айланишдан сўнг унга қайтиб тушиши керак. Бироқ, бугунги кунда пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласи айрим муаммоларни келтириб чиқараётгани сир эмас. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги “Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори айнан шу каби муаммоларни бартараф этишга қаратилган. Бу қарорнинг ижроси юзасидан вилоят давлат солиқ бошқармаси назорат-касса машиналаридан фойдаланиш устидан текширув ўтказганда, қатор қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди. Бу тоифа қонунбузарлик 2002 йилда Фарғона вилоятида жами 410 тани ташкил қилган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида яна 142 та ана шундай таассуфга лойиқ ҳолатлар аниқланди. Масалан, Фарғона шаҳар ДСИдан рўйхатдан ўтган хусусий тадбиркор Ш.Ғофурова 2,1 минг сўм савдо пулини назорат касса машинасига кирим қилмаган ва 3 миллион 417,3 минг сўм савдо пулларини банк муассасасига топширмаган. Худди шундай ҳолатни Ўзбекистон туманида хизмат кўрсатаётган “Мегали-Афродита” фирмасига қарашли АЁКШ фаолиятида ҳам кузатамиз.

Очиғи, бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Аммо хулоса ўрнида ноқонуний йўл билан моддий манфаатдорликка эришмоқчи бўлган, оқибатда ўзига чоҳ қазиган бундай кимсалар жазосиз қолмаганлиги ва қолмаслигини ҳам эътироф этмоқ керак. Жумладан, текшириш натижасида мана шундай кимсалардан 108 нафарига нисбатан 2 миллион 306,3 минг сўм маъмурий жарима қўлланилди. Шунингдек, текшириш ҳужжатларининг иккитаси Прокуратура ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармасига юборилди ҳамда 40 та текшириш ҳужжатлари чора кўриш учун жойлардаги суд идораларига тақдим қилинди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**журналист.**

# МАКТАБ ҚУРГАН ФЕРМЕР

***Илгари ҳар сафар Қўшработга борганимда туманнинг марказий кўчаларидан бирида анчагина майдонни эгаллаб, қурилиши чала ташлаб қўйилган икки қаватли бинони кўриб, дилим хира бўларди. Эссиз, шунча сарф харажат, шунча меҳнат. Наҳотки, ундан фойдаланадиган бирорта тадбиркор топилмаса?..***



Жамол акани сўраб борганимда уни таниган, билган кишилар "у киши янги цех очяптилар, ўша ёқда бўлсалар керак", дея йўл кўрсатиб қўйишди. Бордим. Ўша кўча, ўша бино. Лекин анча ўзгарган. Бино қайта таъмирланибди. Ҳовлида 10-15 киши ишлаяпти. Дарахтлар, гуллар ўзгача дид билан экилган, ҳаммаёқ озода. Жамол аканинг характери тоғликларга хос: ориятли, кесиб гапиради. Тантилиги-ю, соддалиги яна бир дунё.

-Ишни 1996 йилда фермерликдан бошлагандим, - дейди Жамол ака. – Дастлаб 15-20 та қўй, 10-15 бош қорамолим бор эди. Бугунга келиб қорамоллар сони 110 бошга, қўйлар сони эса 200 гача етди. Товуқ ҳам боқамиз. Бу йил тўл мавсуми ёмон келмади. Элликдан зиёд бузоқ, 150 бош қўзи олдик.

-Кўпдан буён бир нарсани ўйлаб юрардим, - дейди фермер. - Агар маҳсулотни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ҳолида сотсам... Шу ўй билан мана шу бинони сотиб олдим. Ниятим, сутни қайта ишлаш цехи очиш. Цех ишга тушса, қишлоғимизнинг 20-25 кишиси ишли бўлади...

**САХОВАТ**

Чорва иши оғир, лекин сердаромад. Аслида қиламан деганга ишнинг қийини йўқ. Фақатгина сабрли бўлиш керак. Ота-боболаримиз бежизга "Деҳқончилик бир йилда, чорвачилик қирқ йилда тикланади", деб айтишмаган. Уч йил қурғоқчилик одамларни анча толиқтириб қўйди-да. Бу йил эса чорванинг йили келди. 100 гектар ерга лалми буғдой, 20 гектарга эса беда эккан фермер ўтган йили 3 миллион сўмга яқин даромад қилганди. Бу йил эса у 5 миллион сўм чўтлаб турибди. Бунинг ҳаммаси 12 нафар ишчининг меҳнати билан бўлаяпти, албатта.



Жамол ака камтарлик қилдими, ҳар қалай кўп нарсани яширди. Қишлоқдошларининг айтишича, ўтган йили қишлоқ болалари учун мактаб қуриб беришни ўз зиммасига олган экан. Одамларни йиғиб, битта қўй сўйиб, халқ ҳашари билан мактабга пойдевор қўйилибди. Қурилиш материаллари учун фермер 300 минг сўмлик моддий ёрдам ажратиб берибди. Мактабни бориб кўрдик. Шинамгина. Болалар таълим-тарбия олишаяпти.

-Умридан барака топсин, - дейди мактаб директори Ш.Жўраев. – Болаларимиз 4-5 километр йўл босиб, қўшни қишлоқ мактабига қатнашарди. Тоғли жой эмасми, қишлиқировли кунлар дегандай... Қишлоқ аҳлининг дуосини олди, бу киши.

Илойим, юртимизда ана шундай саховатпеша тадбиркорлар кўпаяверсин.

**Рустам ХАЙИТОВ**

# "КЕЙС"ДАН ОБРЎ ТОПГАНЛАР

Ўзинг менинг улуғлардан улуғимсан, Ватаним

***Бугун қайси ғаллакор билан суҳбатлашманг, ҳосилнинг мўллигию комбайннинг тезкорлигидан сўз очади.***

-Зўр техника. "Кейс"ни яратганнинг, уни юртимизга олиб келганларнинг ота-сига раҳмат, - дейди избосканлик механизатор Баҳодир Абдуллаев. - Ўтган йил 1042 гектар ердаги ҳосилни ўриб бергандим. Мукофотга "Тико" автомашинаси беришди. Очиғи, буни кутмагандим. Ахир бундан 12 йил бурун "Кейс" миниш, комбайн бошқариб, ўзбек автомашинасини совғага олиш тушгаям кирмаган-да.



Боёвутлик Фармонқул Равшанқуловга ҳам "Тико"нинг калити насиб этди. Мукофотнинг вилоятдаги катта байрамда, дабдабаю тантана билан топширилганини айтмайсиз. Тўрақўрғон МТПсининг оператори Абдулбори Абдуллаев эса 1503 гектар ердаги ҳосилни саранжомлаб бергани учун "Жигули-2106", нишонлик комбайнчи Мардон Холиқов эса "УАЗ-469" автомашинаси билан тақдирланди. Ва яна неча-неча механизаторлар қимматбаҳо совғалар билан сийланмади дейсиз. Ҳукуматимизнинг орден ва медалларига сазовор бўлган кишилар ҳам оз эмас. Барчаси серунум ва барча



қулайликларга эга "Кейс" туфайли.

-20-25 гектарлик майдонни бир кунда ўриб ташлайди. Зўрлиги шунда-да, - дейди сайхунободлик муҳандис Хўроз Ашуров. – Фақат у ёқ – бу ёғига қараб, мойини текшириб туриш керак, холос. Бундан ташқари кучли ўт босган далаларга "Кейс"ни туширмаган маъқул. Чунки бегона ўт техниканинг ўроғини синдиради-да.

-Ўтган йил эски комбайнда ғалламни ўрдирувдим, қабул чоғи дон ифлос экан, деб роса бошимни қотиришди. Бу йил озгина кечиксам-да "Кейс"га навбатга турдим. Ҳосилдорлик 70 центнердан юқори бўлди, - дейди пайариклик фермер Болибой Хушвақтов. – Хурсанд бўлганимдан механизаторга бир ярим тонна ғаллани "капсан" деб бердим Ҳосил байрамида унга битта тўн ёпиш ниятим ҳам бор.

Мавсумда 1728 та "Кейс", 244 та "Нью-холланд", "Класс" тиним билмади. Уларнинг ташқи кўриниши ҳам, ишлаши, механизатор учун қулайлиги ҳам кўпчиликка манзур. Неча ўн минглаб фермерлар, минглаб ширкат хўжаликларининг давлатга дон сотиш шартномасини қисқа муддатда уддалашида ҳам бу техникаларнинг хизмати беқиёс бўлди.

"Ўзагромашсервис" уюшмасининг маълумотларига кўра, Сурхондарё, Навоий, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида замонавий комбайнлардан унумли фойдаланилди. Ҳар бир комбайн билан кунига 25 гектардан ошириб ғалла ўрилди. Шу боис деновлик Р.Қудратов 1251 гектар, жарқўрғонлик А.Турсунов 1122 гектар, музрабодлик Б.Фармонов 1119 гектар ғалла ўрган.



Навоийлик Ш.Тўхтамишев эса 1300 гектар ердаги ҳосилни "Кейс" билан йиғиштириб олган.

-Бундай тиниб-тинчимас комбайнчиларга ҳар қанча раҳмат айтса арзийди, - дейди "Ўзагромашсервис" уюшмасининг бошқарма бошлиғи Ҳамиджон Тожибоев. - Чунки 1200-1300 гектар айтишга осон. Бу тиним билмай, чарчоқни писанд қилмай ишлаш дегани. Озгина эътиборсизлик қилинса, техника ҳосилни чала ё исроф қилиб ўриши мумкинда. Эътиборли томони шундаки, комбайнчилар иш ҳажми қатори сифатини ҳам ўйлашган. Шу боис уларнинг меҳнатини муносиб равишда тақдирлаймиз.

Наманганлик Х.Нормўминов, шаҳрисабзлик Н.Ражабов, иштихонлик Ш.Бобоназаров... Рўйхат узун. Чунки юртимиз ғаллакорларини Яратганнинг ўзи сийлади бу йил. Бўлиқ бошоқлар яратилди. Комбайнлар гувиллаб ишлади. Ижарачию фермерлар комбайнчиларни ортиқча дон ҳисобидан сийлашди. Демак, мулкдорлик, ернинг ҳақиқий эгасига теккани ҳосилдорликни ошириш қатори манфаатдорлигу саховатга ҳам йўл очди.

Эрта-индин эса илғор комбайнчилар тағин мукофотланади. Автомашина, гилам, телевизор, соат... Э-э, уёғини деҳқону фермердан сўранг.

-Бу 12 йилнинг мевалари, ёруғ кунларнинг қувончлари-да, - дейди жомбойлик уста ғаллакор Барот Нодиров. – Мукофотга ўзбек автомашиналари берилаётганини кўриб, қувонаман ва кўнгилда янги орзулар туғилади. Даламизда ўзимизнинг заводларда чиқарилган техникалар ишласа... Ўша кунларни ҳам кўриб қувонсак, дилдан яйрасак, дея ният қиламан.

**Абдунаби АЛИҚУЛОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ҚАТРАСИ ЗАР

***ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Беҳбуд БОТИРОВ). Миллий матбуот марказида АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги - USAIDнинг «Марказий Осиёда табиий ресурслар бошқарувини такомиллаштириш» дастури доирасида Халқ таълими вазирлиги қошидаги «Биоэкосан» ўқув-услубий маркази ҳамда бир нечта нодавлат ташкилотлар матбуот анжумани ўтказди.***

- Сув ва сув манбаларидан унумли фойдаланиш бугунги кунда энг долзарб масалага айланмоқда,- деди USAIDнинг Ўзбекистондаги вакили Ж.Гоггин. - Шу мақсадда жорий йилнинг 23 июлидан 10 августига қадар Ўзбекистоннинг ёзги оромгоҳларида дам олаётган мактаб ўқувчиларига сувни исроф қилмаслик ва ундан тежаб-тергаб фойдаланишнинг ғоят муҳим аҳамиятини тушунтириш билан боғлиқ тадбирлар ўтказилаётир.

Марказий Осиёда табиий ресурслар бошқарувини такомиллаштириш дастури уч йилга мўлжалланган. Ҳозир мазкур дастур доирасида сувни тежаш масалаларига бағишланган ҳамда сувнинг иқтисодий, экологик аҳамиятига оид қизиқарли маълумотларни қамраб олган иккита ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилди. АҚШ Фанлар академиясининг маълумотлари асосида тайёрланган мазкур китоблар мактабдан ташқари машғулотлар учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Телевидение ва радиода эълон қилинадиган роликлар дастурда асосий ўрин эгаллайди. Мазкур фильмлар болаларнинг оби ҳаёт ҳақидаги тушунчаларини янада бойитади.

## ХОСИЯТЛИ ЎСИМЛИКЛАР

### РАЙҲОН

***Маълумки, ҳар бир ўзбекнинг ҳовлисида райҳон бўй таратиб, файз киритиб туради.***

Бу хушбўй ўсимликни қадимдан шифобахш кўкат сифатида қадрлаб келади. Райҳон дунёнинг кўплаб мамлакатларида хушхўр ва шифобахш зиравор сифатида экилади.

Франциянинг Прованс вилоятида райҳон ўсимлигини гўдакларнинг энагаси деб аташаркан. Сабаби, гўдак ухлайдиган хонада райҳон ўстирилаётган бўлса, бу уйга чивин йўламас экан.

### МОЙЧЕЧАК

***Мойчечак кукуни (тиббий тилда – "Пиретрум") ҳашаротлар уя қурган, қандала, суварак, чумоли "лашкар" тортадиган жойларга сепиб қўйилса, зараркунандалардан асар ҳам қолмайди.***

Зийнатли ва манзарали қушлар инининг тагига ҳам шундай кукундан сепсангиз, сайроқи қушларнинг хониши янада жозибалироқ бўлади, қушлар кана ва бургалардан халос бўлади.

### ПИЁЗ

***200 грамм бош пиёз пўстлоғини 10 литр сувга солиб дамлама тайёрланса-ю, 5 кун оралатиб уч карра сепилса, ўргимчакканани йўқотишда самарали таъсир кўрсатади.***

Маълумотларга қараганда, бундай тадбир зараркунандаларнинг 95 фоизини қирилиб кетишига сабаб бўлади.

Айрим мутахассислар пиёз пўстини 12-15 соат давомида дамлаб қўйиб, сўнгра зудлик билан ўсимликларга пуркаш лозимлигини тавсия этишади. Бундай тадбир ўсимлик ширасига нисбатан жуда самарали таъсир кўрсатади. Мева ҳамда резаворларни қушлар еб кетмаслиги учун дарахт танасининг бир неча жойларига кесилган пиёзларни ўрнатиш керак бўлади.

### ТЎКИЛМАСИН ДЕСАНГИЗ

***Олма эрта тўкилиб кетадиган бўлса, хосиятли ўсимликларнинг марҳаматидан ўринли фойдаланиш лозим.***

Одатда олмаларнинг бевақт тўкилишининг бир қатор сабаблари бор. Жумладан, ўсимлик гулларининг яхши чангланмаслиги, дарахтнинг қариши натижасида озуқа моддаларини меваларга етказиб бера олмаслиги, шунингдек, зараркунандаларнинг бевосита таъсири тўкилишига сабабчи бўлиши мумкин. Олманинг бевақт тўкилмаслиги учун гулқоқи (қоқигул, момақаймоқ), саримсоқ, помидор пояси, эрмон, тамаки каби ўсимликлар дамламаси билан дарахтларга ишлов бериш тавсия этилади.

**Маннон ҒАНИЕВ,**
**доришунос олим.**

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## САДДАМ ИЗТИРОБ ЧЕКМОҚДА

***Сўнгги ой ичида "Ал-Арабия"телеканали учинчи бор Саддам Ҳусайн овозини эфирга узатди.***



Сифати у қадар яхши бўлмаган аудиокассетадан янграган овоз 22 июл куни ҳалок бўлган Удей ва Кусейларни шаҳидлар, дея атаб, уларни миллат фахрига тенглаштирган. Ўз сўзини Қуръондан оят келтириш билан бошлаган Саддам Ҳусайн ўғилларининг ўлимидан изтироб чекаётганлигини айтган. Бирлашган Араб Амирликларининг "Ал-Арабия" телеканали фикрича, овоз июл ойида кассетага ёзилган. Ўғилларининг ўлимидан сўнг бир ҳафта ўтиб янграган Саддам овози Америка Марказий Разведка Бошқармаси (МРБ) фикрича, ҳақиқатан ҳам унга тегишли. Саддам тақдирига қизиққан Италиянинг "Debka" газетаси эса у ҳозирда ўзининг учинчи ўғли Али билан бирга Тикрит ва Самарра шаҳарлари оралиғидаги ер ости бункерида яшаётганлиги ҳақида ёзади. Тахминларга кўра, Али Саддам Ҳусайннинг бошқа бир хотини Самира Шахбандардан дунёга келган. Лекин, у аксарият вақтини хорижда ўтказган.

## ИСРОИЛ ЭРОНДАН НОРОЗИ

***Вашингтонда Жорж Буш билан учрашганидан сўнг Исроил бош вазири Ариэл Шарон Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида яҳудийлар яшайдиган ҳудудларни фаластинликлардан ажратиб турувчи ва хавфсизлик мақсадларига хизмат қилувчи бетон деворлар қурилиши давом эттирилишини маълум қилган.***



Бу тўсиқларни Берлин деворига қиёслаётган фаластинликлар эса Исроил бу ҳаракати тинчлик жараёнларига тўғри келмаслигини айтмоқдалар. Шунингдек, Вашингтон сафари чоғида Исроил ҳукумати Эрон устидан Оқ уй раҳбариятига арз қилган. Маълум бўлишича, расмий Теҳрон Яқин Шарқдаги ХАМАС, "Ҳизбуллоҳ" каби экстремистик ташкилотларни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳажмини кенгайтирган ва ядро дастурини яратиш ишларини жадаллаштирган. Бу ўз навбатида Яқин Шарқда тинчлик ўрнатишга ҳалал беради ва ядро қуроллари АҚШнинг минтақадаги Исроилга ўхшаш иттифоқдошларига қаратилиши мумкин. Лекин, ўтган ҳафта аввалида Жорж Буш томонидан терроризмни қўллаб-қувватлашда айбланган Эрон давлати бу хабарларни асоссиз дея, ядро дастури тинчлик йўлида ишлатилишини билдирмоқда.

## САУДИЯ: ТЕРРОРГА АЛОҚАМИЗ ЙЎҚ

***Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири Сауд ал-Файсал Вашингтонда президент Буш билан шошилинч учрашув ўтказди.***



Учрашувда АҚШ Конгрессининг разведка қўмитаси томонидан 11 сентябр воқеалари бўйича тайёрланган 28 саҳифали ҳисоботда Ар-Риёднинг терроризм билан алоқадорлиги ҳақида гап борган. Саудия ҳукумати томонидан асоссиз, дея айтилаётган ўзига дахлдор маълумотларни кенг жамоатчиликка ошкор этилишини Жорж Бушдан сўраган Сауд ал-Файсал талаби қондирилмаган. Оқ уй раҳбарининг айтишича, маълумотларнинг ошкор этилиши текширув ишларининг давом эттирилишига ҳалал беради ва миллий хавфсизликка таҳдид солади. Қўшма Штатлар сенатининг разведка қўмитаси раиси Боб Грэмнинг айтишича, 11 сентябр воқеалари бўйича тўпланган маълумотлар Америкага террорга қарши курашда ким иттифоқдош эканлигини яққол кўрсатиб беради.

## ҚОТИЛЛАР ЖАЗОЛАНДИ

***Тожикистонда ўлдириб кетилган журналистлар Виктор Никулин ва Муҳиддин Олимпурлар қотиллари 22 ва 15 йилдан муддатга озодликдан маҳрум этилди.***



Суд жараёнларига раҳбарлик қилган Тожикистон олий суди раисининг ўринбосари Махмадали Ватановнинг айтишича, жиноятчилар Ахтам Тоиров 22 йилга, Нарзибек Давлатов эса 15 йилга озодликдан маҳрум этилганлар. ВВС телекомпаниясининг мухбири 46 ёшли Муҳиддин Олимпур 1995 йил декабрда ўғирлаб кетилиб, ўлдириб юборилган бўлса, Россиянинг ОРТ телеканали мухбири 28 ёшли Виктор Никулин 1996 йилнинг март ойида ўз иш жойида отиб кетилган эди.

## МОСКВА: БМТ ЕТАКЧИЛИК ҚИЛИШИ КЕРАК

***БМТ Хавфсизлик Кенгашининг навбатдаги йиғилишида чиқиш қилган Россиянинг ушбу ташкилотдаги доимий вакилининг ўринбосари Геннадий Гатилов, БМТ раҳбарлиги остида терроризмга қарши курашувчи универсал фронт тузиш кераклигини айтган.***



Бугун БМТ томонидан террорчилик билан шуғулланаётган ташкилотлар ва шахсларнинг рўйхатини тузиш ишлари ушбу хавфга, унинг ғоявий, молиявий манбаларига ва ҳозирда жавобгарликдан қочаётган сиёсий кўмакдошларига зарба беришда муҳим омил саналади. Шунингдек, айни пайтда Кремл БМТга "Ал-Қоида" ва Толибонга дахлдор маълумотларни етказиб бериш ишларини давом эттиради, дея хабарини якунлайди "Новости" ахборот маҳкамаси.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

# ЯРМАРКА ОЧИЛДИ

***Андижон. (ЎзА мухбири С.Шукуров). Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 74 корхона ўз маҳсулотларини Андижонда очилган улгуржи-чакана савдо ярмаркасида намойиш этмоқда.***

Мунтазам фаолият кўрсатадиган ушбу ярмарка Истиқлол кўчасидаги савдо уйи залларида жойлаштирилди. Бу ерда таклиф этилаётган маҳсулотларнинг катта қисми қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилган. «Кезартурк», «Ўзсаламан», «Олтин дери» қўшма корхоналари, «Файз холдинг», «Тошинвестпласт» компаниялари ўзларининг энг яхши маҳсулотларини таклиф этган.

Ярмарканинг биринчи иш кунида Андижон вилоятида фаолият юритаётган 30 хўжалик юритувчи субъект харид тўғрисида шартномалар тузиш истагини билдирди.

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН БИРИ
ХАЛҚ БАНКИ
республикамиз мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб янги **"ОРЗУ"** – қисқа муддатли, ютуқли омонат турини
ТАКЛИФ ЭТАДИ
**Омонатга пул маблағлари 3 ой муддатга қабул қилинади.**
*Сиз омонатингизга ҳисобланган юқори фоизли даромадларни олиш билан бир қаторда* **1000000** *сўм бўлган ютуқ совриндори бўлиш имкониятига эгасиз.*
**"ОРЗУ" омонатига пул маблағлари шу йилнинг 1 октябрига қадар Халқ банкининг барча филиал ва шохобчалари орқали қабул қилинади.**
**ХАЛҚ БАНКИ – АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ САҚЛАНИШИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН**
**ЯГОНА БАНКДИР!**
**Мурожаат учун телефонлар:**
**173-69-15, 173-69-16 (ички 126. 111. 109)**

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика Давлат қўмитаси Бош ҳисоблаш маркази томонидан Давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги 1996 йил 30 сентябр куни берилган 2163-сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 136-мактаб томонидан 1986 йилда Шокиржонова Шаҳло Алимжановнага берилган Г № 986378-рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Янгийўл туманидаги 48-мактаб томонидан 2003 йили Каратаев Эржигит Ибраимовичга берилган O'R-A № 1506032-рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

**ПАХТА ТЕРИШ КОМБАЙНИ СОТИЛАДИ**
1996 йилда ишлаб чиқарилган, фойдаланилмаган, Т-28х4МА трактори базасидаги ХС-1,8 русумли пахта териш машинаси сотилади. Тошкентдаги тел.: 8-(371) 66-42-77; 108-55-91.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 254-ўрта мактаб томонидан 1990 йилда Юсупова Зулфия Даврановнага берилган А № 021845-рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2001 йил 27 апрелдаги 177-сонли қарорига асосан Мирobod тумани Кичик Бешёғоч кўчаси 185-уйда жойлашган майдони 108,32 кв.метр бўлган турар жойни нотурар жойга айлантириш тўғрисида фуқаро Раҳимов Акмал Гуламович номига берилган далолатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ШИРКАТ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
**КУНГАБОҚАР УРУҒИ СОТИЛАДИ**



*"Ёғмойтамакисаноат" уюшмасининг "МТ Инвест-Импэкс" фирмасида сотиш учун Ўзбекистон шароитига мослаштирилган 30 тонна Молдова Республикасидан келтирилган Дурагай (Гибрид) кунгабоқар уруғлари мавжуд. Тўлови пул кўчириш йўли билан амалга оширилади. Етиштирилган ҳосилни ёғ заводлари шартнома асосида қабул қилади.*
**Мурожаат учун телефонлар:**
**152-52-84; 152-61-96; 55-39-16.**

**"ҚАРШИ НОН САНОАТИ" ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**
**"Қарши нон саноати" ишлаб чиқариш ОАЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2003 йил 26 август соат 10 да Қарши шаҳри А.Навоий шоҳ кўчаси, 57-уйда бўлади.**
КУН ТАРТИБИ:
*1. Жамият устави ва устав жамғармасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сонли Фармони талабларига мувофиқлаштириш;*
*а) Жамият мулк шаклини ўзгартириш, бошқа хусусийлаштан мулк шаклига ўтказиш;*
*б) жамият устав фондини 50000 АҚШ долларига тенг суммага ошириш;*
*2. Жамият тафтиш гуруҳини қайта сайлаш.*
*3. Жамият уставига, ички бошқарув низомларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.*
*4. Жамият бошқаруви раисини қайта сайлаш.*
*5. Бошқа масалалар.*
Акциядорлар умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш даврида кун тартибидаги масалаларга доир ҳужжатлар билан танишишингиз мумкин.
**Манзил: Қарши шаҳри А.Навоий шоҳ кўчаси 57-уй.**
**Телефакс:**
**(3752) 23-49-67, 23-47-19**
**КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

